17.20 Серил «Париждаги муҳаббат» 11-серия (такрор)
18.30 «Кулинар фантазиялари»
19.30 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 26-серия
23.00 «Жасгига ўхшаш йўқ» 25-серия (такрор)
23.30 Миксер

Сешанба

07.00 08.30 09.10 10.30 12.05
12.40 13.05 14.00 15.00 18.30
20.00 20.25 21.25 22.00 Узбек навалари
08.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 26-серия
09.00, 12.30, 17.10, 19.20 «Дневник МТВА-2007»
10.00 «Набат Рашид Холиқов билан»
12.00 20.20 Марказ NEWS (узб)
13.00 21.20 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Кинокурьер»
14.30 «Премьера» (узб)
15.30 «Баби хит»
16.20 «Беш панжа» (узб)
16.40 Мультфильм
17.20 «Париждаги муҳаббат» 12-

серия (такрор)

19.30 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 27-серия
21.30 «Юлдузли пайшанба»
23.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 26-серия
23.30 Миксер

Чоршанба

07.00 08.30 09.10 10.30 12.05
12.40 13.05 15.10 17.10 18.35
20.00 20.25 21.25 22.00 Узбек навалари
08.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 27-серия (такрор)
09.00, 12.30, 17.00 «Дневник МТВА-2007»
10.00 «Премьера» (рус)
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
14.30 «Топ-20» (такрор)
15.55 «Баби хит»
16.20 Мультфильм
17.30 «Бадий кенгаш»
18.10 «Кулинар фантазиялари»
19.30 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 28-серия
20.20 Марказ NEWS (узб)
20.30 «Сўнмас озулар»
21.20 Марказ NEWS (рус)
21.30 «Набат Рашид Холиқов билан»
23.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 27-серия
23.30 Миксер

Пайшанба

10.17 10.18 10.20 20.05 21.00
21.25 22.00 Узбек навалари
08.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 28-серия
09.00, 12.30, 18.00 «Дневник МТВА-2007»

10.00 «Сўнмас озулар»
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Спид-репортаж»
14.30 «Бадий кенгаш»
15.55 «Баби хит»
16.20 Мультфильм
19.30 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 29-серия
20.20 Марказ NEWS (узб)
20.30 «Юлдузли пайшанба»
21.20 Марказ NEWS (рус)
21.30 «Премьера» (узб)
23.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 28-29 сериялар (такрор)
00.00 Миксер

Жума

07.00 08.30 09.10 10.40 12.05
13.05 13.40 15.00 17.00 18.30
20.00 20.25 21.00 21.25 22.00
Узбек навалари
08.00 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 29-серия
09.00 «Дневник МТВА-2007»
10.00 «Топ-20» (повтор)
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Дневник МТВА-2007»
14.30 «Юлдузли пайшанба»
15.55 «Баби хит»
16.20 Мультфильм
18.00 «Кинокурьер»
19.20 «Дневник МТВА-2007»
19.30 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 30-серия
20.20 Марказ NEWS (узб)
20.30 «Набат Рашид Холиқов билан»
21.20 Марказ NEWS (рус)
21.30 «Премьера» (рус)
22.30 «ЖОНИМ СЕНИ» Б/ф.
00.20 Миксер

Шанба

07.00 08.30 09.10 11.10 13.20
13.40 14.30 16.00 17.30 18.10
20.40 21.50 Узбек навалари
08.00 «Юлдузли пайшанба»
09.00 13.30, 18.00 «Дневник МТВА-2007»
09.30 «Баби хит»
10.20 «Беш панжа» (рус)
10.40 Мультфильм
11.30 «Жоним сени» Б/ф.
14.00 «Премьера» (узб)
15.30 «Кинокурьер»
17.00 «Спид-репортаж»
19.00 «Шанба оқшомида»
19.30 Серил «Париждаги муҳаббат» 13-серия
21.00 «Сўнмас озулар»
22.30 «ЗНАКОМСТВО С РОДИТЕЛЯМИ» Х/ф.
00.40 Миксер 16 декабря воскресенье

Якшанба

07.00 08.45 11.10 13.40 17.00
18.10 20.40 Узбек навалари
08.00 «Сўнмас озулар»
09.00 «Шанба оқшомида»
09.20 «Дневник МТВА-2007»
09.30 «Баби хит»
10.20 «Беш панжа» (узб)
10.40 Мультфильм
11.30 «Знакомство с родителями» Х/ф.
14.00 «Премьера» (рус)
14.35 Серил «Жасгига ўхшаш йўқ» 26-30 сериялар (такрор)
17.30 «Топ-20»
19.30 Серил «Париждаги муҳаббат» 14-серия

RTR SPORT

Душанба

06.50 Волягия борба. Кубок ЦСКА.
08.45 11.00 14.55 18.35 22.40 02.45 «Вести-спорт»
09.30 «Зарядка с чемпионом»
09.15 Мультфильм
10.30 «Зарядка с чемпионом»
10.15 «Рожденные побеждать»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 Шахматы. Дневник Кубок мира.
11.25 Баскетбол.
13.15 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли-Уланд»
14.20 ДУФ «Удасть чемпиона. Секреты спортивной науки»
15.05 Легкая атлетика. ЧЕ по кроссу.
16.40 Шахматы. Дневник Кубок мира.
16.50 Бадминтон. Чемпионат России.
18.45 Профессиональный бокс.
20.00 Бейтлон. Кубок мира.
21.50 Бейтлон. Кубок мира.
23.00 «Самый сильный человек»
23.50 «Неделя спорта»
00.55 Бейтлон. Кубок мира.
02.45 «Сборная России». В. Деган.
03.30 «Рыбалка с Рыдзевичем». Профильная.

Сешанба

06.10 06.05 «Легенды спорта». Золотой дубль В. Куя.
08.45 11.00 14.55 19.40 23.35 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
10.30 М/ф «В стране лодушек»
09.35 М/с «Бельгия»
10.15 Т/с «Своа команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 16.55 Шахматы. Дневник Кубок мира.
11.20 19.50 «Неделя спорта»
12.30 «Самый сильный человек»
13.15 Автоспорт. Итоги года.
14.20 «Сборная России». В. Деган.
15.05 Бадминтон. Чемпионат России.
17.00 «Рыбалка с Рыдзевичем»
17.15 Бейтлон. Кубок мира. Спринт.

Женщины.
19.05 «Скоростной уахаст»
20.55 Бейтлон. Кубок мира. Гонка преследования. Женщины.
21.45 Бейтлон. Кубок мира. Эстафета.
Женщины.
23.55 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
00.30 Футбол. ЛЧ. «Марсель» (Фран.) - «Ливерпуль» (Велик.)
02.45 Футбол. ЛЧ. «Реал» (Мадрид, Испания) - «Лацио» (Италия).
04.50 Футбол.

Чоршанба

06.55 15.05 Бадминтон. Ч. РД.
08.45 11.00 14.55 19.40 00.05 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
08.10 М/ф «В стране лодушек»
09.35 М/с «Бельгия»
10.15 Т/с «Своа команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 16.55 Шахматы.
11.15 «Скоростной уахаст»
11.45 04.50 Футбол.
12.50 Футбол. ЛЧ.
17.00 Футбол. ЛЧ.
19.10 «Путь Дракона»
19.55 Волягия. ЛЧ. Мужчины.
22.00 Баскетбол. Евролига.
00.30 Футбол. ЛЧ. «Газго Рейнджерс» (Шот.) - «Лацио» (Фран.).
02.45 Футбол. ЛЧ.
06.05 «Сборная России». В. Деган.

Пайшанба

06.55 Бадминтон. Гран-При. Открытый чемпионат России.
08.45 11.00 14.55 19.55 22.35 02.20 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
08.10 М/ф «В стране лодушек»
09.35 М/с «Скуй-Ду и Серпилл-Ду»
10.15 Т/с «Своа команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Путь Дракона»
11.40 Футбол.
12.45 Футбол. ЛЧ. «Фенербахче»

(Паран) - ЦСКА (Рос.)
15.10 23.45 Бейтлон. Кубок мира.
16.55 Волягия. ЛЧ. Мужчины.
18.10 02.30 Бейтлон. Кубок мира.
20.10 04.30 Плавание.
23.55 Профессиональный бокс.
01.45 «Точка отрыва»

Жума

06.55 Бадминтон. Чемпионат России.
08.45 11.00 14.55 19.55 22.25 01.50 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.10 М/ф «В стране лодушек»
09.35 М/с «Скуй-Ду и Серпилл-Ду»
10.15 Т/с «Своа команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 17.05 Шахматы. Дневник Кубок мира.
11.15 19.10 «Точка отрыва»
11.50 «Сборная России». В. Деган.
12.20 Бейтлон. Кубок мира.
14.20 «Скоростной уахаст»
15.05 Бейтлон. Кубок мира.
17.15 Баскетбол. Евролига. Мужчины. ЦСКА (Рос.) - «Прохко Треддл» (Польша).
19.40 «Рыбалка с Рыдзевичем»
20.10 04.30 Плавание. ЧЕ на короткой воде.
22.45 «Вести-спорт. Местное время»
22.50 Прокат на лыжах с трамплина. Кубок мира.
00.40 Проф. бокс.
02.00 Снегтон. Кубок мира.

Шанба

06.50 Футбол. ЛЧ. «Газго Рейнджерс» (Шот.) - «Лацио» (Фран.).
09.00 11.00 15.10 19.55 23.55 02.25 «Вести-спорт»
09.10 Прокат на лыжах с трамплина. Кубок мира.
11.10 00.15 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 17.00 Шахматы. Дневник Кубок мира.

11.25 «Легенды спорта»
12.00 «Самый сильный человек»
12.50 «Легенды спорта. Кубок мира. Мастер-спорт. Женщины. 15 км.
14.50 Проф. бокс.
15.25 Бейтлон. Кубок мира. Спринт. Мужчины.
17.05 Лыжный спорт. Кубок мира.
18.10 Бейтлон. Кубок мира.
20.10 04.15 Плавание. ЧЕ на короткой воде.
22.25 Волягия. Челл. Россия. Мужчины.
«Локмотив-Белогорск» (Новосибирск) - «Локомотив-Белогорск» (Белгород).
00.25 Футбол. Чемпионат Италии. «Лацио» - «Ювентус».
02.35 Бобслей. Кубок мира.

Якшанба

06.50 Футбол. ЛЧ. «Фенербахче» (Турция) - ЦСКА (Рос.).
09.00 11.00 16.05 19.55 22.20 02.10 «Вести-спорт»
09.10 Волягия. Челл. Россия.
11.10 22.40 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 «Страна спортивная»
11.45 16.45 Шахматы. Дневник Кубок мира.
11.55 13.25 16.15 Лыжный спорт.
12.85 02.55 «Сборная России»
14.25 Бейтлон. Кубок мира. Эстафета. Мужчины.
16.50 Дубло. Клубный Кубок Европы.
18.10 Бадминтон. Кубок мира. Эстафета. Женщины.
20.10 04.10 Плавание. ЧЕ на короткой воде.
22.45 Футбол. Чемпионат Италии. «Торино» - «Рома»
00.50 Бобслей. Кубок мира.
02.20 Бейтлон. Кубок мира.

“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”ДА “ЭНГ ЯХШИ ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ. ТАНЛОВДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТУМАН, ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИДА ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. МАЪЛУМКИ, ПОЧТАЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНЯПТИ.



Йилнинг энг яхши



ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ

Бу йилги танловда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини кенг тартиб қилиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги, замонавий ва сифатли хизматлар кўрсатиш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш масалаларига асосий урғу берилди.

Танловнинг туман ва шаҳарлар миқёсидаги илк босқичи октябр ойида, иккинчи босқичи ноябр ойида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилиб, келгуси босқич йўланмаси эгалари аниқланган. Ўз филиаллари шаънини химоя қилиш учун жами 14 почта хизматчиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилган республика босқичида иштирок эттиди.

Тадбирни “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Рустам Қосимов кириш сўзи билан очди ва барчага омад ёр бўлишини тилади.

Худди олдинги босқичларда бўлганидек, финал босқичида ҳам иштирокчилар танловнинг тўрт шarti бўйича синовдан ўтишди. Танишув шартида алоқа бўлимлари бошлиқлари ўзлари меҳнат қилаётган бўлимларда замонавий хизматларни кўрсатиш мавзусида саҳна кўринишлари ижро этишди. Айниқса, чирчиқлик Любов Грибова, наманганлик Диллола Асқарова, навоййлик Зоҳиджон Саъдуллаев, андижонлик Дилшод Абураҳимов, сурхондарёлик Насиба Орипова ҳамда бухоролик Дилдора Мирзаеваларнинг қишқиллари томошбинларга манзур бўлди.

Шундан сўнг почта алоқаси соҳасининг халқ хўжалигида тугган ўрни ҳақида эркин мавзуда савол-жавоблар ўтказилди. Бу жабҳада ҳамкасбларига қараганда пухтароқ тайёргарлик кўрган, ҳақамаларнинг саволларига ҳар томонлама тўлиқ ва изчил жавоб берган Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Навой, Тошкент ва Фарғона вилоятлари вакиллари тенгсиз эканликларини исботлашди.

Танловнинг учинчи шартида алоқа бўлимлари бошлиқлари замонавий ахборот технологиялари илмини қанчалик эгаллашганини намойиш этишди. Улар берилган 15 дақиқа оралиғида аҳолига замонавий ахборот технологиялари негизида янги турдаги почта хизматларини кўрсатиш шартини бажаришди. Жумладан, алоқа бўлимида иш кунини очиш, компютерни ишга тушириш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш ҳамда электрон пул ўтказмасини қабул қилиш ва жўнатиш, мижоздан телекоммуникация хизматларига тўловларни қабул қилиш, интернет-кафеда хизмат кўрсатиш, электрон почта қабул қилиш ва жўнатиш, интернетга кириш ва унда ишлаш, электрон по-

чта жўнатмаси (гибрид почта)ни қабул қилиш ва етказиш каби вазифаларни амалда бажариб кўрсатишди. Уларнинг ишларини баҳолашда ҳақамалар хайъатида кўрик-танловнинг махсус назорат гуруҳи мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Яқунда чирчиқлик 2-тоифали оператор Любов Грибова, Андижон шаҳридаги 11-алоқа бўлими бошлиғи Дилшод Абураҳимов, Самарқанд филиалининг шаҳар ишлаб чиқариш цехи 60-алоқа бўлими бошлиғи Фуломжон Уролов, Сирдарё тумани почта алоқаси тармоғи оператори Назира Норматовалар илгор технологияларни мукамал ўзлаштирган почта хизматчилари сифатида эътироф этилди.

Нихоят, танловнинг якуний қисми — бадий қисмга навбат берилди. Почта ходимлари ижросидаги ашула ва рақслар, шеърхонлик ва саҳна кўринишлари танловни мазмунан ва мантиқан яқунлаб берди. Саҳнада почта корхоналаридаги иш кунлари, почта хизматчиларининг жамият ҳаётидаги иштироки, “Ижтимоий химоя йили давлат Дастури” доирасида амалга оширилган саховат тадбирлари акс эттирилди.

Рустам Қосимов бошчилигидаги ҳақамалар хайъати иштирокчиларнинг ҳар бир шарт бўйича чиқишларини баҳолаб борди. Умумий ҳисобда энг кўп — 37,5 балл тўллаган Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг 2-тоифали оператори Любов Грибова йилнинг “Энг яхши почта хизматчиси” деб топилди. Ғолибга 1-даражали диплом ва рангли телевизор топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Навой филиалининг Янгирабод почта алоқаси тармоғига қарашли “Новот” алоқа бўлими бошлиғи Зоҳиджон Саъдуллаев (36,13 балл) ҳамда Наманган филиалининг Тўрақўрғон почта алоқаси тармоғи “Хўжанд” алоқа бўлими бошлиғи Диллола Асқарова (35,88 балл)ларга насиб этди. Уларга кўрик-танлов ташкилотчиларининг тегишли дипломлари, видеоплеер ва аудиоманитофон тақдим этилди.

Насиба Ориповага “Энг яхши қишлоқ алоқа бўлими”, Назира Норматовога “Энг ёш иштирокчи”, Дилшод Абураҳимовга “Томошабинлар меҳрини қозongan иштирокчи” номинациялари бўйича махсус мукофотлар ҳамда барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Маъзур тадбир баҳонасида иштирокчилар ўзлари ишлаётган меҳнат жамоалари ҳаёти, ютуқ ва муаммолари билан бошқа ҳамкасбларини ҳам таништириш имконига эга бўлишди. Бошқаларга нисбатан зиммаларидаги масъулият юқини теранроқ англаган, яъни имкониятдан унумли фойдаланган, замон билан ҳамнафас почта мутахассислари ҳаққоний равишда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди. Бунда, албатта, жамоаларнинг ўз вакилларини ҳам амалий, ҳам руҳан қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамият касб этди.

Собит АҲАДОВ,
“Хабар” мухбири

Вилоят босқичи ғолиблари

Бухоро

Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармойишлари, ҳеч шубҳасиз, алоқа корхоналари иш кўламининг ҳам давр талаблари даражасида бўлишини тақозо этмоқда.

“Бухоро Телеком” филиали ва унинг шаҳар, туман телекоммуникациялар боғламалари ўртасида уюштирилган “Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими” кўрик-танловининг вилоят босқичи давомида айнан ана шу жиҳат яна бир марта кўзга ташланди.

Кўрик-танлов натижаларига биноан “Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими” номинацияси бўйича 1, 2 ва 3-ўринлар Ромитан телекоммуникациялар боғламаси шаҳар телефон тармоғи муҳандиси Салим Асадов, Жондор телекоммуникациялар боғламаси шаҳар телефон тармоғи электромонтёри Исломул Файзиев ҳамда Когон телекоммуникациялар боғламаси 4-АТС электромонтёри Нодира Бозороваларга насиб этди.

“Энг яхши сервис ходими” номинацияси бўйича эса Пешку телекоммуникациялар боғламаси оператори Раъно Ҳамидова ғолибликни қўлга киритди. 2 ва 3-ўринлардан Вобкент ва Бухоро туманлари телекоммуникациялар боғламалари операторлари Шоҳсанам Наимова ва Матлуба Раҳматовалар жой олишди.

Вобкент телекоммуникациялар боғламаси “Энг намунали телекоммуникация боғламаси” шарафига муносиб деб топилди. Пешку ва Ромитан боғламалари эса 2 ва 3-ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Навобий

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Низомига асосан тасвир этилган “Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими” ва “Энг яхши сервис хизмати ходими” номинациялари бўйича кўрик-танловнинг Навобий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ўзаро беллашувларда танловнинг туман, шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган телекоммуникация боғламаси операторлари, АТС етакчи муҳандислари, кабелчи-пайвандчилар, кросс электромонтёрлари, линия хўжалиги муҳандислари назарий ва амалий билимларини намойиш этдилар. Беллашувлар якунида “Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими” деган номга қосим ходимлари ўртасида Наталья Муратова, линия хўжалиги ходимлари ўртасида Абдураим Қозоқов сазовор бўлди. Мижозлар бўлими ходимлари ўртасида “Энг яхши сервис хизмати ходими” номинацияси бўйича Нурота тумани телекоммуникациялар боғламаси оператори Дилмурод Худойбердиев ғолиб деб топилди. Шунингдек, тадбирда Томди, Қонимех, Хатирчи, Қизилтепа, Қармана телекоммуникациялар боғламалари операторлари яхши назарий ва амалий билимларга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Кўрик-танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг Навобий вилоятидаги мухбири

Низом тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида “Электрон шаклдаги шартнома ва электрон тижоратда қўлланиладиган бошқа намунавий ҳужжатлар шакллари тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланди ва рўйхатга олинди.

Маъзур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”-ги қонунларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорининг 1-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат мамлакатимизда электрон рақамли имзони қўллашни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Низомда қуйидагилар белгиланган:
-электрон шаклдаги шартнома ва бошқа намунавий шаклларга электрон тижоратни амалга ошириш жараёнида қўйиладиган умумий талаблар;
-тузилётган шартноманинг томонлари тўғрисидаги умумий маълумотлар;
-электрон тижорат доирасида электрон операция тартиби ва жараёнларни амалга ошириш;
-электрон шаклдаги шартномавий муносабатларни амалга ошириш учун тўлов тизими субъектлари.
Низом билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг веб-сайтида (www.aci.uz) танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

Ўз миллий тараққиёт йўлидан дадил
бораётган мамлакатимиз
фуқароларини **КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ**
15 ЙИЛЛИГИ билан қизгин
табриклайди.

Барчангизга сихат-саломатлик, эзгу
ишларингизга ривож тилаймиз.
Жонажон Ватанимиз осмони доимо
тинч ва мусаффо бўлсин!



“АДОЛАТ КУЧИ” ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

Жаннатмонанд Ўзбекистон
халқини, жумладан, алоқачиларни
8 ДЕКАБР – КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
билан муборакбод этади.

Азизлар, байрамингиз қутлуғ бўлсин. Юртимиз ободлиги
йўлидаги ишларингизда, ривож тилаймиз. Мустақиллигимизни
янада мустақамлаш йўлида бирдам бўлайлик!



МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз фуқароларини
8 ДЕКАБР – КОНСТИТУЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН
билан табриклайди.



Сизларга узок умр, сихат-саломатлик,
оилавий хотиржамлик ва юрт равнақи
йўлидаги шарафли ишларингизда улкан
зафарлар тилаймиз!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Серкучёш юртимиз аҳлини буюк
истиклолимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
15 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади.*

Шу азиз Ватан барчамизники.
Уни кўз қорачигидек асраб-авайлайлик!



**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

**Асосий Қонуимиз -
Конституциямизнинг 15
йиллиги муносабати билан
халқимизга энг самимий
тилакларини йўлайди.**



**Азизлар!
Эзгу мақсадлар йўлида
бир-биримизга камарбаста
бўлайлик!**

**ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ**

**Азиз ватандошларимизни
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади.**




**Гўзал юртимизни
янада гўзаллаштириш
ишқи билан меҳнат
қилаётган ҳар бир
инсонга Яратгандан
мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт,
тинчлик-осойишталик
тилаймиз!**



**“O`ZBEKTELEKOM” АК
“ФАРФОНА ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Ватандошларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг 15 йиллиги билан
қизгин қутлайди.**




**Бунёдкорлик
ишқи билан
яшаётган
ҳар инсонга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий тотувлик, бахт-саодат
тилаймиз!**



**O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA
TARMOQLARINI BOSHQARISH
RESPUBLIKA MARKAZI ЖАМОАСИ**

**Ватанимиз фуқароларини
8 декабр — Конституциямиз
қабул қилинган кун билан
самимий табриклайди.**



**Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
оилавий хотиржамлик
ва юртимиз
равнақи йўлидаги
шарафли ишларингизда
улкан зафарлар
тилаймиз.**



**Озод ва обод юртимиз
янада гуллаб-яшнасин!**

Адолат қомуси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАНОҚ АДОЛАТЛИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШГА АҲД ҚИЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ИШЛАБ ЧИКИЛГАН ҲАМДА 1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АСОСИЙ ҚОНУМИМИЗНИНГ ЎЗИЁК ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТГА САДОҚАТНИНГ ДАЛИЛИ, ОДИЛ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ТАШЛАНГАН ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМ ЭДИ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақиқатан ҳам муҳаммад бўлиб, эзгу гоғларни ўзида ифода этган муътабар ҳужжатдир.

Республикамизда фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда Асосий Қонуниимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ўргатиш мақсадида Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатдир.

Ушбу фармойиш асосида мамлакатимизда ўқув тизимининг барча босқичлари учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курси жорий этилди ва 2001 йил сентябр ойидан бошлаб фан сифатида ўқитиб келинмоқда. Асосий Қонуниимиз мазмун-моҳиятини фуқароларимизга шундай тушунтириб бориш лозимки, бу муъта-

бар ҳужжат, аввало, ҳар бир фуқаронинг дилидан, юрагидан жой олсин. Биз Конституцияимизни инсонпарварлик, адолат, қомуси деб ҳисоблаймиз. Чунки адолат тамойиллари билан йўғрилган бу дастуриламал ҳуқуқларимиз, эркимиз ҳимоячисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳамда махсус ваколатли орган — Конституциявий суд томонидан белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сўзсиз ҳимоя ва эъзозга са-

звордир. Зеро, унда узоқ давом этган мустамлақачиликдан сўнг давлат суверенитети акс этди. Жамиятда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги белгиланди. Қомусимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, мамлакатда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Асосий Қонун тилимизга ҳам давлат мақоми берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқаруving демократик тамойилларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини муштаҳамлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конститу-

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сўзсиз ҳимоя ва эъзозга сазовордир. Зеро, унда узоқ давом этган мустамлақачиликдан сўнг давлат суверенитети акс этди.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

ТА'ЛИМ ТИЗИМИ

ҚАРШИ ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЮКОРИ САЛОҲИЯТЛИ УРТА-МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН ХИСОБЛАНАДИ.

Хозирги кунда коллежда таҳсил олаётган ўқувчилар сони 1800 нафарни ташкил этади. Уларга 120 нафар юқори малакали устоз-мураббий таълим-тарбия бериб келмоқда. Шулардан бир нафари профессор, беш нафари касб-хунар таълими аълочиларидир.

Коллежда 8 йўналиш: ҳуқуқ ва ҳўжалик фаолияти, молия, банк иши, бухгалтерия, статистика, суғурта иши, тижорат агенти, информатика ва коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ёшларнинг етуқ мутахассислар бўлиб етишишларида "Аниқ ва табиий фанлар", "Ўзбек ва хорижий тиллар", "Ижтимоий ва гуманитар фанлар", "Бухгалтерия ва иқтисод", "Статистика, суғурта ва тижорат", "Молия", "Банк иши", "Жисмоний тарбия ва ЕЧТ" кафедраларида фаолият юритаётган устоз-мураббийларнинг хизмати катта бўлмоқда. Шунингдек, коллежда жамоатчилик асосида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг "Бухгалтерия" ва "Иқтисодиёт" кафедралари филиаллари ҳам ташкил этилган бўлиб, уларга иқтисод фанлари номзодлари Г.Жумаева ва А.Раҳматуллаевлар раҳбарлик қилишмоқда.

Шу ўринда коллеж педагогик жамоасининг илмий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўқувчи-ёшларга тахсил бераётган аспирантлардан Мусфига Мунаффарова "Миллий истиқлол гоғиси", Дилфуза Убайдуллаева "Агроиқтисодиёт" йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

Ўқитувчилар малакасини доимий равишда ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида ўқитувчиларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ўрта-махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш институти, Тошкент жисмоний тарбия институти, Бўхоро озиқ-овқат sanoati институти, Самарқанд чет тиллар институти, Қарши Давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтиларидаги малака ошириш факультетларида ўз билимларини ошириб қайтишди.

Билим юртидаги мавжуд 28та фан кабинетини, жумладан, иккита физика, битта кимё, иккита компютер синфи, иккита лингафон хонаси Корея Республикасида келтирилган ҳижозлар асосида ташкил этилган. Таъкидлаш ўринлики, йилдан-йилга ўқув юртининг моддий-техника базаси юксалиб борапти, қўшимча ўқув хоналари, лабораториялар ишга туширилиб, спорт

Салоҳият

майдонлари қайта таъмирдан чиқарилди.

2006 йилда коллеж қошида интернет тармоғига уланган Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди ва компютерлар билан таъминланди. Ўқитувчиларнинг маъруза матнлари, камёб ўқув адабиётлари электрон шаклга ўтказилиб, компютер базасига киритилди. Хозир марказнинг умумий китоб фонди 15500тани ташкил этади.

"Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ижросини таъминлаш мақсадида коллежда таълим-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ўқув режалари ва дастурларини, қўлланмалар, электрон дарсликлар, бадий ва сиёсий адабиётлар фондиди янада бойитишга эътибор қўйилди.

Спорт билан шуғулланувчи ёшлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Айни пайтда 8та тўғарақда "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Коллежнинг 140 ўринли ошхонаси ва талабарлар турар жойи барча керакли жиҳозлар, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан етарли даражада таъминланган. Ўқув юрти жамоаси ўзига қўшни Файзулла Хўжаев, "Пахтакор", "Ойдин" маҳаллалари билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. Жумладан, гуруҳларда "Маҳалла ободлиги — Ватан ободлиги", "Маҳаллаимизнинг бугунги тараққиёти ва ривожланиш истиқболлари", "Ёшлар ҳамжихатлиги — миллат равнақи" мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Маҳаллалардаги ёшлар коллежда фаолият кўрсатаётган "Футбол" клубига, компютер курсларига жалб қилинмоқда.

Ўқувчилар орасида гиёҳвандликнинг олдинчи олишга қаратилган тадбирлар режаси тўзилган. Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг салбий оқибатлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари иштирокчида тез-тез давра суҳбатлари, учрашувлар ташкиллаштирилиб турилади. Коллеж ўқитувчиларининг 10 нафари ЮНИСЕФнинг "Болалар жамғармаси" ва "Қамолот" ЁИХнинг "Тенгдош-тенгдошга" дастури асосида ташкил қилинган семинар-тренингларда фаол иштирок этишиб, валонтер тренерлик даражасини олишди ва улар гуруҳларга бўлиниб, шаҳар маҳаллалари, мактабларда "Тенгдош-тенгдошга" дастури асосида семинарлар ўтказиб келишди.

Ёшларни миллий истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, Ватан, халқ, маҳалла-қўй олдидаги

цияси мазмунан янги, принципаал сиёсий ҳужжатдир. Унда ижтимоий-сиёсий хусусиятлар, уни ривожлантиришнинг асосий гоғлари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик ҳужжатдир. Унинг қоидалари эса ҳаммиса ҳўкмонлик, биринчилик ва таъсис кучига эга. Бошқа қонунларимизнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда Конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради ва рўйбга чиқаради.

Конституцияимиз мақсаднинг юқори ҳўққисиди инсон, фуқаро, унинг ҳўқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва қонуний манфаатлари туради. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов Конституциянинг бир йиллиги бағишланган нутқида: "Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳўқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади" дея таъкидлаган эдилар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳўқуқларининг демократик ҳўжжати бўлиб, инсонпарвар ҳўқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У улкан, сиёсий юридик ва халқаро аҳамиятга эга бўлган Асосий Қонундир.

Дилфуза ИСМОИЛОВА,
ТАТУ "Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти" кафедраси катта ўқитувчиси



бурчини бажаришда кўника шакллантириш ҳамда ўз касбига масъулиятли қилиб етиштиришда гуруҳ раҳбарларининг режа асосида олиб борадиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлари муҳим аҳамият касб этади.

"Буюк келажимизнинг ҳўқуқий асоси", "Мустақиллик — миллий гуруримиз", "Миллий ва умуминсонийлик маданияти", "Маънавий мерос ва касб-хунар", "Миллий гуруҳ — улуг кучдир", "Инсон кўрки — одоб", "Алишер Навоий ва миллий гоғ", "Тафаккурда шаклландиған эътиқод", "Огоҳлик — давр талаби" мавзуларида давра суҳбатлари, гуруҳлар ва бўлимлар ўртасида "Президент асарлари билимдонлари", "Конституция — бахтимиз пойдевори" каби кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Маънавий-маърифий тадбирлар ёзувчилар уюшмасининг илоят бўлими, шаҳар "Нуроний", "Маҳалла", "Наврўз", "Олтин Мерос", "Соғлом авлод учун" каби хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда ҳам ташкиллаштирилмоқда. Жумладан, "Ҳаёт ва ижод сабоқлари", "Икки авлод учрашуви" мавзуларида учрашувлар ва суҳбатлар уюштирилди. Ёзувчилар, олимлар, шоирлар, меҳнат фахрийлари билан бевосита мулоқотлар ёшларни меҳр ва муруват руҳида тарбиялашда муҳим рол ўйнаши шўбҳасиз, албатта.

Шўҳрат НОРМУРОДОВ
Қашқадарё вилоти

SPORT



ИНИЛЕЕВ ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙИ

Осиё Футбол Конфедерацияси 2007 йилдаги барча номинациялар бўйича "энг яхши"лар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев "Осиёнинг 2007 йилдаги энг яхши мураббийи" дея тан олинди. Ҳамюртимиз ушбу соврин учун курашда Эрон терма жамоаси мураббийи Амир Фолиной ва "Сеонгнам Илва Чунма" бош мураббийи Ким Хак Бумларни ортда қолдирди.

ЯНА БИР ИМКОНИАТ

Ўтган ҳафтада Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ЖЧ-2010 саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Осиё минтақасидан 20та жамоа 5та гуруҳга бўлинди. Қуръа натижасига кўра биринчи гуруҳ «ўлим» гуруҳига айланди. Унда Австралия, Хитой, Ироқ ва Қатар термалари ўрин олган.

Ўзбекистон терма жамоаси Саудия Арабистони, Ливан ва Сингапур термалари билан бирга 4-гуруҳдан ўрин олди. Натижада терма жамоамиз учун саудияликлардан Осиё чемпионатидаги мағлубият аламини олиш имконияти туғилди.

2-гуруҳда Япония, Баҳрайн, Уммон ва Таиланд, 3-гуруҳда Корея Республикаси, Шимолий Корея, Иордания ва Туркменистон терма жамоалари жойлашган бўлса, Эрон, Қувайт, БАА ва Сурия термалари энг сунгги 5-гуруҳда қайд этилди.

ЖЧ-2010га саралашнинг 3-босқич ўйинлари 2008 йилнинг 6 февралидан бошланади. Рауф Инилеев шогирдлари ўзларининг биринчи ўрашувини 6 феврал кунини сафарда Ливан термасига қарши ўтказди.

Қолган номинациялар бўйича совриндорлар куйидагилар:
 «ЭНГ ЯХШИ ЁШ ФУТБОЛЧИ» — КИМ Кум Ил (КХДР)
 «ЭНГ ЯХШИ ФУТЗАЛЧИ» — Воҳид ШАМСАИ (Эрон)
 «ЭНГ ЯХШИ ҲАҚАМ ЁРДАМЧИСИ» — Муҳаммад Ҳамад ал-ГАМДИ (СА)
 «ЭНГ ЯХШИ БОШ ҲАҚАМ» — Марк ШИЛД (Австралия)
 «ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ» — Рауф ИНИЛЕЕВ (Ўзбекистон)
 «FAIR PLAY» СОВРИНИ — Япония
 «ЭНГ ЯХШИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯ» — Хитой
 «ЭНГ ЯХШИ ФУТЗАЛ ТЕРМА ЖАМОАСИ» — Эрон
 «ЭНГ ЯХШИ КЛУБ» — «Урава Редс» (Япония)
 «ЭНГ ЯХШИ МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА» — Ироқ
 «ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ» — Ёсир ал-ҚАҲТОНИЙ (Саудия Арабистони)

КАКА "ОЛТИН ТҮП" СОҲИБИ




"Милан"нинг 25 ёшли бразилиялик ярим ҳимоячиси Кака Европанинг 2007 йилдаги энг кучли футболчиси деб топилди.

France Football нашри томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра Кака 444 очко тўплади. 277 очко тўплаган «Манчестер Юнайтед»нинг португалиялик ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду иккинчи ўридан жой олди. Учинчи ўрин эса 255 очко йиққан «Барселона»нинг аргентиналик ҳужумчиси Лионел Мессига насиб қилди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Европанинг энг кучли футболчиси сифатида Италия терма жамоаси сардори Фабио Каннаваро тан олинган эди.

ВОКС МЕЙВЕЗЕР ВА ХАТТОН ЖАНГИ

Эртага мағлубият нималигини билмай келаётган икки боксчи Флойд Мейвезер ва Рикки Хаттон уртасида супержанг ўтказилади.

Ушбу қизиқарли жанг олдиндан мутахассислар ўз фикрларини баён этишмоқда. Жумладан, суперогир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Леннокс Лоис ўз интервьюсида голибик Мейвезер тарафидан бўлишини айтган. "Хаттон галаба қозониши учун фақат нокаут ҳақида ўйлаши керак, — деди собиқ бокс юлдузи. — Чунки Флойдни очколар ҳисобида енгиб бўлмайди. У жуда тез ҳаракат қилади ва ўзининг ажойиб жанг услубига эга."



ЕВРО-2008га ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Швейцариянинг Люцерн шаҳрида Евро-2008 финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 16та терма жамоа тўрт гуруҳга тақсимланди.

- «А» гуруҳи — Швейцария, Чехия, Португалия, Туркия.
- «В» гуруҳи — Австрия, Хорватия, Германия, Полша.
- «С» гуруҳи — Голландия, Италия, Руминия, Франция.
- «D» гуруҳи — Греция, Швеция, Испания, Россия.

Ушбу йирик футбол байрами 7-29 июн кунлари Австрия ва Швейцария мамлакатлари яшил майдонларида ташкил этилади.



ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом"нинг 49-бандига асосан "ANDIJON PEYJING SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон шаҳри) аризасига мурофиқ шахсий радиочақирув тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001766 рақамли лицензиясининг

амал қилиши 2007 йил 26 ноябрдан тўхтатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сонли қарорига асосан "SYNTECH TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001711 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 26 ноябрдан 10 иш кунига тўхтатиб турилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Тошкент телеграф-телефон станцияси филиали жамоаси ходимлар бўлими бошлиғи Карима Убайдуллаевага волидаи муҳтарамаси АСАЛАТ онанинг вафот этанлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси Ҳазалект почта алоқаси тармоғи бошлиғи Аливой Рашидовга онаси

ЧИННИГУЛ аянинг вафот этанлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
 (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Бахтиёр КУББЕВ
 Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
 Миродил САНГИЛОВ
 Шухрат СОДИҚОВ
 Лутфилло ТУРСУНОВ
 (масъул котиб)
 Асаджон ХҲҲАЕВ
 Рустам ҚОСИМОВ
 Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
 Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
 Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
 Факс: 136-36-42.
 E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эсларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
 Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва даллаларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлаш Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
 Манзил: Тошкент шаҳри, "Булок Турон" кўчаси, 41-уй.

1154-G сонли буюртма.
 Оффсет усулида босилди.
 Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
 Алали: 7179 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
 Дизайнер: Аслидуза БҲРИЕВ.
 Матн теруви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
 Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8



Конституция куни!

«Unitel» компанияси остида фаолият юритувчи «Билайн» савдо белгиси Ўзбекистон аҳолисини Конституция куни билан муборакбод этади.

Сизларни чин қалбдан қутлаб, барчангизга кўтаринки кайфият, бахт-саодат, тан-сихатлик ёр бўлишини тилаймиз!



Билайн™

ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

Хабарнинг муҳри ва қалмиги Ўзбекистон Республикаси «Unitel» компанияси остида фаолият юритувчи «Билайн» савдо белгиси билан муборакбод этади.

OBUNA—2008

“Хабар” газетасига ким қанча обуна бўлди?

2008 йил учун расмийлаштирилаётган обуна бўйича 3 декабргача бўлган маълумот*

Қорақалпоғистон Республикаси	1740
Андижон	873
Қашқадарё	803
Фарғона	657
Тошкент шаҳри	621
Бухоро	484
Самарқанд	473
Наманган	430
Сурхондарё	410
Жиззах	395
Тошкент	302
Хоразм	244
Навий	58
Сирдарё	36

*Маълумот “Матбуот таркатувчи” АК томонидан тақдим этилди.

Табрикларимиз!

“Қорақалпоқ Телеком” филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси, Хўжайли почта алоқаси тармоғи ҳамда Қорақалпоқ “Матбуот таркатувчи” МЧЖ Хўжайли филиали жамоалари Раҳимжон БОЛТАБОЕВНИ муборак олтимиш ёши билан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, ишларида омад тилайди.

“Ўзи-Қарши” филиали жамоаси 224-ЭАТС кабелчиси Лазизжон НАЗАРОВ ҳамда электромонтёри Олимжон ФАКИРОВларни таваллуд топган кунлари билан табриклаб, уларга омонлик, ишларида ривож тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг ҳисоб бўлими ётақчи мутахассиси Гулнора МАНСУРОВАНИ туғилган куни билан муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, оиласига тинчлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали Ромитан почта алоқаси тармоғи жамоаси Тарнаут алоқа бўлими бошлиғи Робия РУСТАМОВАНИ туғилган куни билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омадлар тилаб қолади.

«Xabar» газетаси таҳририяти

2008 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йилгидек эълон қилган

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

1500 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган:
— «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР** ва **ВИДЕОПЛЕР**;

— Агентлик худудий бошқармаларининг ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР**;

— 200 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари — **200 МИНГ СЎМ**;

— 100 нусхада тўла бир йиллик обуна уюштирган почта алоқаси бўлимлари — **125 МИНГ СЎМ** билан мукофотланади.

Шунингдек: 1000 нусхада тўлиқ бир йиллик обуна ташкил этган:
— «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларининг ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР**;

— «Матбуот таркатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўба корхоналарининг ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР**;

— Алоқа соҳасидан бошқа ташкилот, корхона ва муассасалардан энг кўп обуна ташкиллаштирган хабарчи ёки обуна билан шугулланадиган махсус ходим (агент) — **50 МИНГ СЎМ** билан тақдирланади.

Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам таҳририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.

Обуна мавсуми якунларига кўра танлов ғолиблари газетادا эълон қилинади.
Телефонлар: 133-80-20, 133-36-48, 136-36-42.

Обуна мавсумида фаол иштирок этинг ва мукофотларни қўлга киритинг!